

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ



КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВА МАЪМУРИЙ
ҲУҚУҚ ФАНЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ
МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ЕЧИМЛАРИ

Илмий-амалий конференцияси материаллари
(2020 йил 10 декабрь)



состава преступления, не может учитываться при назначении наказания.¹

Автором предлагается статью 32 КоАО Республики Узбекистан дополнить второй частью, в следующей редакции: «Отягчающее обстоятельство, предусмотренное статьей Особенной части Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности в качестве признака состава правонарушения, не может учитываться при назначении административного взыскания».

И.Э. Тураев*

К.И. Эсанова**

ЎЗБЕКИСТОНДА МИССИОНЕРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН АЙРИМ СЕКТАЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», деган қоида мустаҳкамлаб қўйилиб, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари конституциявий тамойилларга бутунлай зид эканини кўрсатади.

1998 йил 1 май куни янги таҳрирда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда юқоридаги конституциявий тамойил янада конкретлаштирилганини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев “2017 – 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича” Ҳаракатлар стратегиясига асосан диний экстремизим ва миссионерлик фаолиятига қарши курашиш, миллатлараро тотувликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.²

Истиқлолга эришишимизгача Ўзбекистон ҳудудида жами 211 та диний ташкилот фаолият олиб борган. Шундан 149 таси исломий, 51 таси христиан, 11 таси яҳудий диний ташкилотлар эди. Мустақиллик шарофати билан ҳозирги кунда республикамызда 2225 та диний ташкилот Вазирлар

¹ <https://lex.uz/docs/111457#155788>

* ИИБ Академияси Ижтимоий-иқтисордий фанлар кафедраси доценти

** Ўзбекистон Халқаро Ислоҳ академияси талабаси

² Мирзиёев, Ш.М. 2017- йил 7- февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича” Ҳаракатлар стратегияси. Т.2017. 75- бет.

Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари қўмитаси томонидан рўйхатга олинган. Улардан 2050 таси исломий диний ташкилотлардир. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жами 175 та нонисломий диний ташкилот фаолият олиб бормоқда. Улар қаторига 36 та Рус православ черкови, 5 та Рим-католик черкови, 23 та Евангелъ христиан-баптистлар черкови, 21 та Тўлиқ инжилчи христианлар черкови, 10 та Еттинчи кун христиан-адвентистлар черкови, 2 та Арман-апостоллик черкови, 1 та “Голос Божий” черкови, 52 та Корейс протестант черковлари, 8 та яҳудийлар диний жамоалари, 6 та Баҳойлар диний жамоалари, 1 та Буддавийлар ибодатхонаси, 1 та Кришнани англаш жамияти, 1 та Библия китоб жамиятини санаш мумкин. Шу билан бирга, мустақиллик йилларида Православ ва Протестант семинариялари ҳам фаолият кўрсата бошлаганини қайд этиш зарур.¹ Бу жойларда фуқаролар эмин-эркин ибодат қилишлари ва мазкур дин тўғрисидаги маълумотларни олиш учун барча шароитлар яратилган.

Ўзбекистонда амалдаги қонунларига мувофиқ, бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддаси 2-қисмида ҳамда 5-моддасининг 3-6-қисмларига кўра таъқиқланади². Бу каби ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс”ининг 184², 202¹, 240, 241 моддалари асосида маъмурий³, агар мазкур фаолият қайта такрорланса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 141, 145, 156, 216², 229², 244¹, 244³ ва бошқа моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги белгиланган.⁴

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 216² –моддаси “Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш” деб номланиб, унинг диспозицияси қуйидагича баён этилган: “Нолегал диний фаолият билан шугулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилот уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва

¹ Х.Т. Оишқориев, Д.Х. Ратзоқов. Сиёсатшунослик. Дарслик. Қайта ишланган учинчи нашр. Т.-2012 216-б.

² Ўзбекистон Республикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни 1998 йил 1 май.

³ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т.2021 й.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Т.2018 й.

ўтказиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, 2-қисми: Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамол ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади", деб белгилаб қўйилганини ҳам таъкидлаш зарур.

Ўзбекистонда миссионерлик билан шугулланаётган диний ташкилотларнинг аксарияти христианлиқнинг протестантизм оқимига тегишлидир. Мазкур диний ташкилот ва секталарнинг номлари турлича бўлиб, уларнинг аъзолари содир этган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлари аниқланиб, ушбу шахслар маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиш ҳолатлари мавжуддир.

Шу билан бирга, республикада миссионерликнинг асл моҳиятини очиқ ташлаш, унинг олдини олиш бўйича қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Биринчи галда республикада фаолият олиб бораётган барча диний конфессиялар вакиллари учрашувлари, давра суҳбатлари ва бошқа шакллардаги мулоқотларини ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Учрашувларда туб аҳолини масиҳий мазҳабларига жалб этмаслик, диний миссионерлик фаолияти билан шугулланмаслик, ўзбек тилида диний адабиётларни чоп этмаслик ва тарқатмаслик юзасидан чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида фуқаролараро ва миллатлараро тотувликка раҳна солиш эҳтимоли бўлган диний ташкилотларнинг рўйхатдан ўтишлари, уларнинг даъват руҳидаги диний адабиётлар тарқатишларининг олди олинмоқда. Жумладан, диний материаллар ўрганиб чиқилиб, миссионерлик йўлида фойдаланиш мумкин бўлган адабиётларларнинг республика ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган¹.

Адлия вазирлиги ва Дин ишлари бўйича қўмита томонидан диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказишда уларнинг фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ҳамда диний ташкилотларнинг раҳбарлари ва аъзолари томонидан амалдаги қонуниликни чуқур ўрганиш ва унга оқинмай амал қилишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

¹ О.Юсупов. Диний багрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга – юз жавоб) Т.-2007 й.

Шу билан бирга, аҳоли орасида диний билимларни, хусусан, ёт ва зарарли диний оқимлар ҳамда фирқалар ҳақидаги ҳолис маълумотларни тарқатиш, диндан, диний кадриятлардан маънавий-маърифий мақсадларда фойдаланишни кучайтириш чоралари кўриломоқда¹.

Кўрилатган чора-тадбирлар туфайли республикамызда конфессиялараро тотувлик ва бағрикенглик устуворлик қиломоқда.

Ш.М.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга 2017 йил 22 декабрдаги Мурожаатномасида “Биз диний жаҳолатга, зарарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш кераклиги ҳақида кўп гапирамыз. Бу тўғри, албатта. Лекин маърифат, маърифий билимлар қаерда – аввало ота-боболаримиз бизга қолдириб кетган мана шундай мўътабар китобларда эмасми?”² деб таъкидлаб ўтганларидек ҳар бир шахс турли диний оқимларни фарқлаб олишда аввало бор ота-боболаримиздан мерос бўлим келаятган китобларни ўқишимизни яна бир марта таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Шундай бўлса-да, ҳар бир фуқароимизнинг миссионерликнинг моҳиятини чуқур англаб етиши, бефарқлик ва лоқайдликка йўл қўймаган ҳолда унинг олдини олиш бўйича ишларда фаол иштирок этиши ана шу барқарорлик муҳитини сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлашнинг кафолати эканини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда дунёда динга бўлган қизиқишнинг ўсиши глобаллашув жараёнларининг ўзига хос инъикоси дейиш мумкин. Зеро, глобаллашув дунёни бир бутун ва яхлит қила бориши билан бир қаторда, унинг ҳосиласи сифатида алоҳида олинган миллат ва жамиятлар даражасида ўз-ўзини англашга бўлган интилишнинг чуқурлашувига ҳам замин яратмоқда. Бу жараёнлар ўз навбатида маънавиятнинг узвий қисми бўлган диннинг моҳиятини тушуниш, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини англашга бўлган эътиборнинг кучайишини келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, динга бўлган қизиқиш бугунги кунда кишилиқ жамияти олдида турган муаммолар, инсоннинг уларни ҳал қилиш йўллари ҳақидаги ўй-изланишлари, дунёвий ва диний кадриятлар уйғунлигини таъминлаган ҳолда бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топишга интилиши билан боғлиқ эканини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

¹ О.Юсупов. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга – юз жавоб). Т.-2007.102-б.

² Ш.М.Мирзиёев. Олий Мажлисга Мурожаатнома.Т.2017.22.12.

<i>Н.Ф. Салохиддинов</i> Ички ишлар органлари ходимларининг касбий тайёргарлигида хизмат жанговар тайёргарлик машғулотларининг ўрни.....	262
<i>А.А. Насиллоев, Н.Н. Хўжаирова</i> Гувоҳ институтини такомиллаштиришга доир фикр ва мулоҳазалар.....	266
<i>Ж.Г. Иргашев</i> Дастурчи касбнинг сир-синоатлари.....	271
<i>Б.С. Боймуродов</i> Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш масалалари.....	277
<i>С.Р. Турсунова</i> Либерализация обстоятельств, отягчающих административную ответственность.....	281
<i>Н.Э. Турсев, К.Н. Эсанова</i> Ўзбекистонда миссионерлик фаолияти билан шугулланаётган айрим секталар ва уларга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари.....	284
<i>А.Т. Аширбоев</i> Жамоат тартибига қарши жиноятлар билан боглиқ тушунчаларнинг қўлланилишидаги фикр ва мулоҳазалар.....	288
<i>А.А. Аманов</i> Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқий мақоми, таркиби ва бугунги ҳолати.....	290
ЁШ ОЛИМЛАР ТРИБУНАСИ	301
<i>С.С. Рустамов, Ю.Қ. Исмоилов</i> «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»нинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамияти.....	301
<i>А.Ю. Атаджанов</i> Профилактика распространения порнографических материалов в сети «интернет».....	306
<i>А. Якумбаев</i> Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш масалалари.....	309
<i>Б.Н. Анисин</i> Уголовная ответственность за занятие деятельностью без лицензии.....	313
<i>С.Б. Ахмедова</i> Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида охириги заруратнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ҳуқуқий табиати.....	316
<i>М. Ахмедова</i> Защиты прав свобод и законных интересов граждан на стадии предварительного следствия.....	321
<i>М.Ш. Хамралиев</i> Взаимодействие инспектора профилактики с органами самоуправления граждан в профилактике правонарушений.....	324
<i>И.А. Эргашев</i> Опыт зарубежных стран по профилактике правонарушений.....	326
<i>И.И. Абдуллаев</i> Совершенствование взаимодействия инспекторов профилактики с органами доследственной проверки.....	330
<i>С. Иляшев</i> Зарубежный опыт по совершенствованию обеспечения ответственности за административные правонарушения несовершеннолетних.....	336
<i>К. Холдаров</i> Реформирование правового статуса иностранных граждан, находящихся на территории Республики Узбекистан.....	341
<i>Б. Каримов</i> Уголовно-правовая характеристика преступлений связанных с нарушением таможенного законодательства Республики Узбекистан.....	344
<i>М. Қурбонбоев</i> Жиноят ишлари бўйича осие мамлакатларида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби.....	347
<i>Л. Кахрамонов</i> Совершенствование деятельности опорных пунктов органов внутренних дел ...	352
<i>М.Ш. Поянов</i> Понятие, значение популяризации профессионального мастерства и передового опыта в деятельности инспекторов профилактики.....	354
<i>М.О. Бобоеров, С. Иляшев</i> Зарубежный опыт по совершенствованию обеспечения ответственности за административные правонарушения несовершеннолетних.....	358
<i>О.Х. Ҳолиқназаров</i> Жиноят иши бўйича шахсни гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилишнинг хусусиятлари.....	362
<i>Ж.Х. Абдуллаев</i> Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишнинг самарадорлигини ошириш масалалари.....	366